O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 280209



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 10 февраль, № 29 (4692) Сешанба

# НАВОИЙ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ





***Буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоий яратган дурдона асарлар, шоҳ байтлар неча асрларки, наинки туркию форсий тилда сўзлашувчи халқлар, балки жаҳондаги кўплаб шеърият, адабиёт ихлосмандларининг эътибору эъзозида. Зеро, Навоий бобомизнинг ҳар мисра, ҳар байтида инсонийлик, эзгулик, бағрикенглик, саховатпешалик, улуғворлик каби фазилатлар ҳақида сўз очилади, бундай сифатли инсонлар улуғланади, улардан ўрнак, ибрат олишга даъват этилади. Шоир пандлари эскирмайди, ўгитлари барча даврларга хос. Шу боисдан ҳам Навоий даҳоси буюк, маънавий мероси бебаҳо ва барҳаёт.***

**Ифтихор**

Истиқлол йилларида Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бўлган эътибор янада ортди. Мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида ёш авлодни мутафаккир шоир ижодидан баҳраманд этишга хизмат қилувчи махсус дарс соатлари, машғулотлар ўтилиши йўлга қўйилди. Кўплаб қишлоқ ва маҳаллалар, маданий-маърифий масканлар, кўча ва хиёбонларга Алишер Навоий номи берилди. Яна бир эътиборли жиҳати, мустақиллик туфайли ҳар йили мамлакатимизда 9 февраль кунини шоир таваллуд топган сана сифатида нишонлаш анъанага айланди. Шунга мувофиқ жорий йилда ҳам шоирнинг таваллуд куни муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудларида Навоийхонлик кечалари, мутафаккир ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар давом этмоқда.

Хусусан, пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида шоир ҳайкалининг пойига гулчамбар қўйиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда давлат арбоблари, олимлар, халқаро ташкилотлар мутасаддилари, шоир ва ёзувчилар, адабиёт, санъат, маданият соҳаси вакиллари, талаба-ёшлар ва бошқа кўплаб шеърият ихлосмандлари иштирок этди.

— Бугун Алишер Навоийнинг барҳаёт меросидан бутун дунё баҳраманд бўлаяпти, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Республика Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов. — Шу боисдан Навоий асарлари бугунги кунга қадар дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Ҳатто жаҳондаги қатор нуфузли кутубхоналарда шоирнинг қўлёзма асарлари сақланмоқда. Қатор хорижий мамлакатларда бобомиз ҳайкаллари қад ростламоқда. Албатта, шундай буюк зот билан жаҳон аҳли фахрланаётган бир даврда, биз Ҳазрат Навоийни қанча эъзозласак, қанча улуғласак ҳам кам.

Дарҳақиқат, айни пайтда Россия, Япония, Украина, Озарбойжон давлатларида Алишер Навоий сиймоси акс этган ҳайкаллар қад ростлаган. Ушбу давлатларда ҳам шоир таваллуд кунида ҳайкал пойига гулчамбар қўйилади, шеъру ғазаллардан намуналар ўқилади.

— Ҳозир биз Навоий ҳазратлари ҳайкалининг пойидамиз, бундан 7-8 соат муқаддам кунчиқар мамлакатларда Навоийхонлик кечалари бўлиб ўтди. Кўп ўтмай бу тадбирлар Россия, Украина, Озарбойжон ва бошқа хорижий мамлакатларда давом этади. Хуллас, 9 февралда дунё бўйлаб Навоий хотири ёд, руҳи шод этилади, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари, Ўзбекистон халқ рассоми Равшан Миртожиев.

Шунингдек, маросимда мир Алишер Навоийнинг маданият, мусиқа, тил ва адабиёт ривожидаги ўрни хусусида сўз юритилди, шеър ва ғазалларидан намуналар ўқилди. Маросим ниҳоясида ҳайкал пойига гулчамбарлар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Бош вазир ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

Шу куни пойтахтимиздаги шоирлар хиёбонида Алишер Навоий ижодига бағишланган адабий мушоира ҳамда "Истиқлол" саройида шоир таваллуд куни муносабати билан концерт дастури намойиши ҳам бўлиб ўтди.

**Ф. БЎТАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳ. ПАЙДОЕВ**
**олган суратлар.**

**Модернизация**

***Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишига улкан имкониятлар яратиб бермоқда.***

## ЯНГИ ДАСТГОҲЛАР ШАРОФАТИ

Бу жараён мулкдорларнинг кенг қамровли иш фаолиятини янада кенгайтирмоқда. Навоий шаҳридаги "Бахт-текстиль" Ўзбекистон — Лихтенштейн масъулияти чекланган жамиятидаги ўзгаришлар бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу корхона йилига 7500 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда унинг иккинчи навбатини қуриш ишлари ниҳоясига етай деб қолди.

— Президентимизнинг "2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги Қарори асосида ҳозиргача калава ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуналарнинг тўққизтаси ишга туширилди, — дейди корхона директори Қобилжон Турсунов. — Бу замонавий технологиялар Германия, Швейцария, Италия, Туркия давлатларидан келтирилиб, монтаж қилинди. Тез орада "Бахт-текстиль" мамлакатимиздаги бешта йирик тўқимачилик марказларидан бирига айланади.

(Давоми 2-бетда).

# ОДИЛ СУДЛОВ — ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИ

***Мамлакатимизда тарихан қисқа давр ичида инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан татбиқ этилаётган ҳаётимизнинг барча жабҳаларини демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш йўлидаги ислоҳотлар негизида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг пухта ҳимоясини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад мужассам. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан ЎзА мухбирининг суҳбати мазкур ислоҳотлар бераётган самаралар ҳақида бўлди.***

**— Бўритош Мустафоевич, статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш борасидаги мурожаатлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?**

— Бу, аввало, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қарорлар самараси ўлароқ, фуқароларнинг одил судловга ишончи муттасил ортиб бораётганининг амалдаги ифодасидир. Жумладан, ўтган йилларда Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоида ва талаблари асосида жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилди, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди. Натижада озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо қўлланилган шахслар сони 2000 йилдан шу вақтга қадар икки баравардан кўпроқ қисқарди.

Умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви одил судлов сифатини ошириш имконини берди. 2000 йилда республика бўйича 70 мингга яқин фуқаролик иши кўрилган бўлса, 2008 йилда бу 340 мингдан ортиқни ташкил қилиб, уларнинг 96,2 фоизга яқини бўйича даъволар қаноатлантирилди. Шу вақт давомида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 55 мингга яқин жиноят иши ва 256 мингдан ортиқроқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш билан боғлиқ иш кўриб чиқилди.

Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилиши суд процесси иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишида қўшимча кафолат бўлди. Инсон манфаатларини янада кенгроқ ифода этиш мақсадида кенг қўлланилаётган ярашув институти эса одил судловни амалга ошириш, фуқаролар эркинликларини

**Ислоҳот**

изчил ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётир. Мазкур институт ўтган саккиз йил мобайнида саксон мингга яқин кишига нисбатан жиноий таъқиб тугатилиши учун имкон бергани ҳам бунинг тасдиғидир. Бундан ташқари, жиноят оқибатида етказилган 51 миллиард сўмдан ортиқроқ моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 11 минг нафарга яқин шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар изчил давом этмоқда. 2008 йил 1 майда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони эълон қилинди. Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш ва малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатлик касбининг обрўси ҳамда нуфузини оширишга қаратилган мазкур ҳужжат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўзининг ҳаётийлиги ва долзарблиги билан ҳам аҳамиятлидир. Қолаверса, халқимиз дунёқараши ва ҳуқуқий онгида юз бераётган чуқур ўзгаришлар мана шундай долзарб вазифани ҳал этишни тақозо этаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 23 июнда қабул қилинган "Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори судлар ишини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Олий суд ҳузуридаги бу марказ одил судлов тизимини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг обрўсини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу одил судловни амалга оширишнинг замонавий ва халқаро мезонларини чуқур ўрганиш ва мамлакатимизда татбиқ этиш, соҳага оид қабул қилинган ҳужжатлар самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтиради.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасидаги бундай кенг қамровли ислоҳотлар халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 асосий халқаро ҳужжатга қўшилди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бу соҳада қабул қилинган олтита асосий шартнома қатнашчисидир. 2008 йил 1 майда Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мужассам этганини яна бир бор тасдиқлади. Бу дунё ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Қорақалпоғистонда олис қишлоқларга ичимлик суви етказиб бериш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.***

### Олис овулларга ичимлик суви

Сув танқислиги оқибатларини бартараф этиш мақсадида қилинаётган ушбу вазифаларни "Қорақалпоққишлоқхўжалик сув тармоқлари" тresти меҳнат жамоаси бажармоқда.

— Бугунги кунгача трестимиз томонидан 442 та қишлоқ аҳоли пунктларидаги 405 мингдан зиёд аҳолига ичимлик суви етказиб берилди, — дейди мазкур корхона бошқарувчиси Рўзимбой Сейитов. — Бу Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ аҳлининг 50,8 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида жами 13 километр сув тармоқлари қайта тикланди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Қарши шаҳридаги "Машҳура-шоҳ" ўқув марказида ўйинчоқ тайёрлашни ўргатиш бўйича махсус курс очилди. Унда ўн бешта қиз касб ўрганмоқда.***

### Болажонлар кўнгли шод бўлсин

Ўйинчоқ тайёрлашни ўрганишга иштиёқмандлар кўплигининг боиси бор. Ҳозир совғабоп ўйинчоқларнинг бозори чаққон. Лекин дўконлар чет элда ишлаб чиқарилган юмшоқ ўйинчоқлар билан тўлиб-тошган. Афсуски, улардан кўпчилигининг қайси ҳайвон эканлигини болакайлар у ёқда турсин, ота-оналар ҳам айтиб беролмайди. Шунинг учун қаршилик тадбиркор Дилшода Зоҳидова миллий ўйинчоқлар тайёрлашга қўл урди. Бунинг учун у "Микрокредитбанк"дан 2,5 миллион сўм кредит олди. Айни пайтда тадбиркор ўз бизнесини кенгайтириш устида иш олиб бормоқда.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Навоий вилоятида сутни қайта ишлаб, аҳоли дастурхонини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

### Дастурхон зийнати

Хусусан, вилоятдаги "Кармана сут", "Зарафшон-Суграли", "Дўстлик" агрофирмаси, "Учқудуқ сут" корхоналарида бир кунда 24 тонна сут хориж технологиялари ёрдамида қайта ишланиб, ундан сифатли маҳсулотлар тайёрланмоқда.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти олимлари яратган тебранма тозалаш машинаси саноат синовидан муваффақиятли ўтди, деб топилди.***

### Сифат ошади, харажат камаяди

Натижа шуни кўрсатмоқдаки, мазкур қурилма пахта тозалаш заводида ўрнатилса, тола сифатини яхшилаш ва электр энергиясини иқтисод қилиш ҳисобига 25,4 миллион сўм қўшимча фойда олиш имконияти яратилади. Шунингдек, қурилма пахта толаси сифатига асло салбий таъсир қилмаслиги, аксинча, унинг тозалилик даражасини 10 фоизга ошириши айтилмоқда.

**Одилхўжа ПАРПИЕВ.**

***Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро вилояти филиалига ҳукуматимизнинг махсус фармойишига асосан Ислом тараққиёт банки иштирокида 950 миллион сўмликдан зиёд янги асбоб-ускуналар босқичма-босқич келтирилди.***

### Замонавий тиббий жиҳозлар

Россия, Германия, Япония сингари мамлакатларда ишлаб чиқарилган 31 турдаги бу замонавий тиббий техника жиҳозлари, хусусан, сунъий нафас олдириш асбоблари, электрожарроҳлик скальпеллари, рақамли рентген аппарати, мобил рентген — диагностика ускунаси даволаш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда шифокорлар ишини ҳам енгиллаштираяпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**



## Қурилиш индустриясининг имкониятлари кенгаймоқда

**2008** йилда "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси корхоналарида **812,9** миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

**Шунча миқдордаги қурилиш материаллари, ўз навбатида, янги ишлаб чиқариш объектлари, тураржой бинолари, мактаблар, лицей ва коллежлар, саломатлик масканлари, автомобиль йўллари, кўприклар ва бошқа кўплаб иншоотларни бунёд этиш имконини берди.**



(Давоми. Боши 1-бетда).

# ОДИЛ СУДЛОВ — ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИ

**— 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда қамоққа олиш учун санкция бериш ваколати судларга ўтказилди. Бунинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар натижасида ўлим жазосини қўллаш соҳаси босқичма-босқич камайиб борди. 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосининг жазо тизимидан бутунлай чиқарилиши давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг инсонпарварлик тамойилларига асосланганининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Шу ўринда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган "Habeas Corpus Act" қонуни ҳақида тўхталиб ўтсак. "Habeas corpus" атамаси лотинчада "шахсни судга келтириш" деган маънони англатади. Бу қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судларга ўтказилиши ва шахс судга келтирилган ҳолдагина унга нисбатан бу турдаги эҳтиёт чораси қўллаш демакдир. Бугунги кунда "Habeas corpus"нинг барча талаблари миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топган.

Мазкур ислоҳотларнинг давоми сифатида Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидалари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа принциплари ва меъёрлари Ўзбекистон қонунчилигида амалиётга киритилди.

**— Жиноят-судлов ишларини юритишда инсонпарварлик ва одиллик принципларини татбиқ этишга доир яна қандай чоралар амалга оширилмоқда?**

— Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонунчилик ташаббусидан кенг фойдаланилмоқда. Соҳага доир қонунлар муҳокамаси ва қабул қилиниши жараёнида Олий суд судьялари ва мутахассислари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, 2008 йили Олий суднинг қонунчилик ташаббусидан фойдаланиб, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида киритган таклифимиз инобатга олинди. 2008 йил 12 апрелдан бошлаб, муддати ўтмаган жиноят учун жазо муддати ва миқдори Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисми доирасида белгиланиши қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримовнинг тақдимига биноан Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатнинг муҳим жиҳати ва аввалгиларидан фарқи шундаки, унда назарда тутилган шахсларни жазодан ёки жавобгарликдан озод этиш масаласи фақат судлар томонидан ҳал этиладиган бўлди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жиноят-процессуал кодекси ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш масалаларига доир алоҳида 63-боб билан тўлдирилди. Эндиликда амнистия актлари фақат судлар томонидан қўлланилади.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Сенатининг XVI ялпи мажлисида мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигига яна бир муҳим янгилик — "Гувоҳнинг адвокати" деган янги $66^1$-модда киритилди. Қонунчилигимизда нафақат жиноий жавобгарликка тортилаётган ёки жабрланган шахснинг, балки гувоҳнинг ҳам ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини адвокат орқали амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Ҳимоячига берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доираси кенгайтирилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс $197^1$-модда билан тўлдирилди, яъни адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Умуман айтганда, Олий суд судьялари ва ходимлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, шунингдек, бошқа ваколатли идоралар томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳлар таркибида 57 қонун лойиҳаси ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. Бу йўналишда хориж экспертлари иштирокида ўтказилган қатор халқаро семинар, тренинг ва конференцияларда қатнашди.

**— Умумюрисдикция судларининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоялаш борасида амалга ошираётган ишлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми мажлисида суд амалиётини тўғри йўналтиришга қаратилган еттита қарор қабул қилинди. Ишларни кўришда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш масаласида суриштирув, тергов органлари ҳамда судларга батафсил тушунтиришлар берилди. Олий суд раёсати йиғилишларида судларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятини тўғри йўналтиришга қаратилган 22 масала муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

**— Соҳадаги ислоҳотлар ривожида малакали кадрлар алоҳида ўрин тутади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ҳар қандай ҳаётий муаммони ҳал этиш зарурати заковатли кадрларга бориб тақалади. Бу масала Олий суд тизимида қандай ҳал этилмоқда?**

— Дарҳақиқат, малакали кадрларни тайёрлаш, ўқитиш ва маҳоратини ошириш доимий вазифаларимиздан. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси, умумюрисдикция судлари судьяларининг Олий малака ҳайъати, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судьялари малака ҳайъатлари томонидан самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунида, шунингдек, Олий суд пленумининг 2007 йил 14 декабрдаги «Умумий юрисдикция судларида кадрлар билан ишлаш ҳолати ва судьялар томонидан судьялик қасамёдига риоя этилиши масалалари тўғрисида»ги қарорида судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахс эканлиги, уларга юқори мартаба эгаси сифатида алоҳида талаблар қўйилганлиги таъкидланган. Шу боис судьялик лавозимларига масъулиятли, билимли, ўз вазифасига ва қасамёдига содиқ, пок виждонли кадрларни тайинлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эътироф этиш керак, ҳозир судьяларимиз ўзларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан амалга ошириб келмоқда.

Судья адашиши мумкин эмас. Унинг хатоси нафақат маҳкум учун, унинг ортида турган ўнлаб инсонлар, қолаверса, бутун жамият учун жуда қимматга тушади. Бу хато бутун тизимни обрўсизлантиради. Зеро, судьяларнинг нафақат процессуал қонун талабларини бажариши, балки уларнинг ахлоқ-одоби, юриш-туриши ҳам эл назаридадир. Масъулиятсиз ва одоб-ахлоқ қоидаларини менсимайдиган ҳар қандай ходимнинг суд тизимида ишлашга ҳақи йўқ. Ана шундай жиддий эътибор туфайли 2008 йили 106 нафар судьяга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди, 3 нафар судьянинг судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатиш ҳақида хулосага келинди. Шу билан бирга, таассуф билан айтиш мумкинки, 4 нафар судья судьялик қасамёдини бузганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Энг муҳими, судьяларимиз фуқаролар, давлат ва жамият олдидаги юксак масъулиятини яхши англайдилар. Бу борада амалга оширилаётган ишларимиз изчил давом этади. Ҳар бир судья ўз ваколати ва вазифасини қонун доирасида виждонан, холисона, беғараз амалга ошириши доимий эътиборимизда бўлади.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ**
**суҳбатлашди.**

# ТАДБИРКОРЛАР МАДАДКОРИ

***Сурхондарё вилоятида айни пайтда 25 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритаётган бўлиб, бугунги кунда уларда 181 минг нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида микрофирма ва кичик корхоналарда 33 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Бу, табиийки, вилоятда ишлаб чиқарилаётган ялпи ҳудудий маҳсулотларда кичик бизнеснинг улуши тобора ўсиб боришини таъминламоқда. Жумладан, ўтган йил якунларига кўра, мазкур кўрсаткич 67,2 фоизни ташкил этди.***

**Жараён**

Вилоят иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдулҳаким Турдиевнинг берган маълумотига кўра, жумладан, 2008 йилда кичик бизнес субъектларининг маҳсулот сотиш ва пулли хизматлар кўрсатишдан олган умумий даромади 226 миллиард сўмга яқин бўлди, экспорт ҳажми эса 6,67 миллион АҚШ долларига етди.

Албатта, бозор иқтисодиёти ривож топаётган бугунги даврда даромадга эришиш осон эмас. Маҳсулот ёки хизматнинг харидоргирлиги учун, аввало, уларнинг рақобатбардош, сифатли, арзон ва замонавий бўлиши талаб қилинади. Бу эса, ўз навбатида, хусусий корхоналар ва микрофирмаларнинг мукаммал асбоб-ускуналар ҳамда технологиялар билан таъминланишини тақозо этади.

Бу борада тадбиркорларга ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, хусусан, солиқ ва божхона тўловларидаги имтиёз ҳамда енгилликлар, маҳаллий ва чет эл инвестицияларидан унумли фойдаланиш мақсадида яратилган имкониятлар қўл келмоқда.

Ўтган йили вилоятда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига 48,3 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилган бўлиб, бунинг натижасида кўплаб корхоналар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўламини бирмунча кенгайтирдилар, моддий-техник базаларини мустаҳкамладилар. Масалан, Қумқўрғон туманидаги "Қуёш тонг юлдузи" МЧЖига Халқ банки томонидан берилган 500 миллион сўмлик кредит ҳисобидан корхонага яхна ичимликлар ишлаб чиқарувчи замонавий асбоб-ускуналар келтирилиб ўрнатилди ва бу ерда 12 та қўшимча иш ўрни яратилди. Тоғли Бойсун туманидаги "Жамол-Ато" хусусий фирмасига "Пахта банк" томонидан ажратилган 46 миллион сўмлик кредит эвазига эса минерал сув ишлаб чиқарадиган минитехнология харид қилинди. Бу 16 кишини доимий иш билан таъминлаш имконини берди.

— Мамлакатда тадбиркорлик ҳаракатининг кенг қулоч ёяётганлиги бежиз эмас, — дейди Денов туманидаги "Гулнора" хусусий фирмаси раҳбари Гулчеҳра Ҳайдарова. — Биз учун катта имкониятлар яратилмоқда, хусусан, вилоятда, айниқса, қишлоқ жойларида иқтисодий, молиявий тузилманинг ривож топиши ишимизнинг баракали бўлишини таъминлаётир. Корхонамиздаги 200 нафардан зиёд ишчи-хизматчи аҳолига қарийб 20 турдаги хизматни кўрсатиб келаяпти. Жумладан, ўтган йили аҳоли дастурхонини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида мўъжазгина чорвачилик фермасини очдик. Корхона фаолиятидан келаётган даромадни эса ишлаб чиқариш жараёнини замонавийлаштиришга, янги маҳсулот турларини кўпайтиришга йўналтираётирмиз.

Шунингдек, кейинги пайтда вилоятда тадбиркорларни зарур ахборот билан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга катта эътибор қаратилаяпти. Хусусан, Солиқ идоралари, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан кўплаб семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, тадбиркорларга амалдаги қонунчилик, кичик бизнесни ривожлантириш учун мавжуд имкониятлар ҳамда илғор тажрибалар юзасидан атрофлича маълумотлар берилаяпти. Жойларда ахборот-маслаҳат марказлари тузилиб, уларнинг зарур адабиётлар, техник жиҳозлар, энг асосийси, малакали кадрлар билан таъминланаётганлиги ижобий натижаларга олиб келмоқда. Мазкур марказларнинг аксарият қисми вилоятнинг чекка ҳудудларида ташкил этилаётгани ҳам қишлоқ тадбиркорларининг оғирини енгил қилишда қўл келаётир. 2008 йил давомида ахборот-маслаҳат марказлари томонидан аҳолига ҳуқуқий маслаҳатлар, таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни ташкил этишнинг замонавий талабларини ўргатиш, бизнес режалар ва техник иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш сингари қатор консалтинг хизматлари кўрсатилгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

**Гулбаҳор ТАНГИРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Анжуман**

***Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда Республика Марказий банки ҳамкорлигида вилоят ишбилармонлари билан ўтказган амалий семинарда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга оид меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятига эътибор қаратилди.***

## Кичик бизнесга эътибор

Хусусан, тадбирда Президентимизнинг "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Фармони ҳамда чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатларнинг вилоятда қандай бажарилаётгани хусусида сўз борди.

Анжуман сўнггида иштирокчиларга банк муассасалари томонидан тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятлари, кичик бизнес субъектлари ва аҳолининг айрим қатламларига кредитлар ажратишдаги имтиёзлар тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЯНГИ ДАСТГОҲЛАР ШАРОФАТИ

Ўтган йили жамиятда 2080 тонна калава ип ишлаб чиқарилиб, унинг беш миллиард 646,8 миллион сўмлиги хорижга сотилди. Жорий йилнинг бизнес-режасига кўра, бу ерда тўрт минг тонна калава ип тайёрлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, жамоа халқ истеъмоли молларини Россия, Италия, Германия каби давлатларга экспорт қилиш ҳисобидан бир миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни туширишга эришди. Сотилаётган маҳсулот сифати ва техник кўрсаткичлари жиҳатидан жаҳон андозаларига тўлиқ мос келиши харидорларга маъқул бўлмоқда.

Эришилаётган муваффақиятларда тўқувчиларнинг ўз касбини мукаммал эгаллаганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2008 йилда 250 та янги иш ўрни яратилиб, фабрикадаги ишловчилар сони 350 нафарга етган бўлса, уларнинг 92 фоизини маҳаллий хотин-қизлар ташкил этади.

Яқин ойлар ичида корхонанинг учинчи босқичи ускуналарини монтаж қилишга киришилади. Бу жараён россиялик ишбилармонлар ҳамкорлигида олиб борилади. Пировардида яна 100 та иш ўрни яратилади.

Замонавий технологиялар ёрдамида пахта толасидан тикилаётган чиройли, бежирим кийим-кечаклар харидорларга манзур бўлиши тайин.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ФАРҒОНА ГИЛАМЛАРИНИНГ ДОВРУҒИ

***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қўллаб-қувватланаётгани туфайли мазкур соҳа тобора ривожланиб, унинг иқтисодиётимиздаги улуши йил сайин ортиб бормоқда.***

**Изланиш**

Охунбобоев туманидаги Иброҳимжон Султонов — юртимиздаги юзлаб тадбиркорлардан бири. У раҳбарлик қилаётган "Исмоилжон гиламлари" хусусий ишлаб чиқариш корхонасида турли-туман гиламлардан ташқари, бахмал, адрас каби миллий матолар ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Корхонанинг 70 нафардан ортиқ ишчи-хизматчиси томонидан тайёрланаётган бундай маҳсулотларга ички бозорда талаб тобора ортмоқда. Шу боис, яна 30 нафар қиз-жувон ишга жалб этилди.

Айни пайтда ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш мақсадида модернизациялаш ишлари жадал олиб борилаяпти. Бу жараён якунлангач, яна ўнлаб янги иш ўринлари очилади.

**СУРАТДА:** корхонанинг илғор тўқувчиси Шаҳноза Саримсоқова.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

***Пастдарғом туманида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.***

## Аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида

Аҳамиятлиси, туманнинг барча қишлоқлари аҳолиси тоза ичимлик сувидан баҳраманд. Туман "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд сув тармоқларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларини ўз вақтида амалга оширмоқда.

Яқинда бир неча маҳаллалардаги артезиан қудуқларининг тўлиқ реконструкция қилиниши ва Жума шаҳарчаси, Қурилиш, Қоқча ва Баттол қишлоқларидаги сув тармоқларининг таъмирланиши аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиш имкониятларини янада оширди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Бандлик**

## Ёшларга муқим иш жойлари

***Андижон шаҳар прокуратураси ташаббуси билан шаҳар ҳокимлиги, бандликка кўмаклашувчи марказ ҳамда "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими ҳамкорликда "Бўш иш ўринлари" ярмаркасини ташкил этдилар.***

Унда 65 та корхона ва ташкилот 282 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. 120 нафар маҳаллий ёш ўзи ёқтирган корхонада ишлашга йўлланма олди.

Эътироф этиш керакки, баландпарвоз ваъдаларга, ширин ёлғонларга лаққа тушиб Россия, Қозоғистон ва бошқа қатор хорижий мамлакатларга ишлагани бориб, не-не кўргуликларни бошдан кечирганлардан 35 нафари ўзининг муқим иш жойига эга бўлди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Франциядаги оммабоп электрон нашрлардан бири — «Les milieux des empires» ўз саҳифасида «Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги нуқтаи назари» сарлавҳали мақолани чоп этди.***

# «LES MILIEUX DES EMPIRES» МАРКАЗИЙ ОСИЁДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРЛИГИНИ ҚАЙД ЭТАДИ

**Дунё нигоҳи**

Унда таъкидланганидек, «Табиий захиралардан, жумладан, сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш Марказий Осиё минтақасидаги ўта муҳим масалалардандир. Мазкур муаммога турлича ёндашув эса тараққиётга ғов бўлади ва можароли вазият, айрим ҳолларда эса, экологик фалокатга олиб келади».

Интернет-нашр Орол денгизи тақдирини мисол сифатида келтиради. Бинобарин, унинг қуриши нафақат Марказий Осиё, балки йирик субминтақа, ҳатто бутун Евроосиё мамлакатлари халқлари учун фожиали оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

— Минтақадаги Орол денгизига қуйиладиган дарёлар сувлари миқдорининг камайиб кетиши ҳавзадаги ҳаёт пойдеворига путур етказиб, суғориш мақсадлари учун фойдаланиладиган ва тоза ичимлик сувининг сурункали танқислигига сабаб бўлди. Денгизнинг қуриб қолган қисмида юзага келувчи туз ва қум бўронлари ҳосил ва ўсимликларни йўқ қилмоқда. Балиқчилик ва овчилик хўжалигига жиддий иқтисодий зарар етказилди. Шунингдек, яйловлар маҳсулдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги пасайишига олиб келди, — дейилади мақолада.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеяси 48 ва 50-сессияларида сўзлаган маърузаларида «Орол инқирози — инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар ҳалокатлардан бири бўлиб, денгиз ҳавзасида яшовчи ўнлаб миллион инсонлар унинг таъсири остида қолмоқда» дея таъкидлаган эди. Шу ўринда мақолада қуйидагилар қайд этилади: «Минтақадаги барча сув ресурслари Сирдарё ва Амударё дарёлари ҳавзасига боғлиқ. Уларнинг трансчегаравий манбалари мавжуд ҳолатининг ўзгариши эса 50 миллиондан зиёд киши истиқомат қиладиган Марказий Осиё мамлакатлари янада кенгроқ кўламли экологик ҳалокатга, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини ичимлик ва суғоришда фойдаланиладиган сув билан таъминлаш муаммоларига, муттасил қурғоқчилик ва унинг салбий оқибатларига дуч келиши мумкин.

Трансчегаравий дарё оқимларидан фойдаланиш, жумладан, гидроэнергетик иншоотлар қурилиши борасидаги қарорлар экология ва қўшни давлатлар манфаатларига ҳеч бир зиён етказмаслиги лозим. Таъкидлаш жоиз, гап юзлаб йиллар мобайнида ўз оқимидаги мамлакатлар ва уларда яшовчи халқларнинг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини қондириб келган трансчегаравий дарёлар сувларидан фойдаланиш тўғрисида бормоқда».

«Айнан шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2007 йил августда Бишкек шаҳрида ўтган ШҲТ саммитида трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланиш зарурлигини қайд этган эди. Зеро, бу БМТнинг 1991 йил 25 февралдаги Трансчегаравий ресурсларнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш тўғрисидаги, 1992 йил 17 мартдаги трансчегаравий дарёлар ва ҳавзаларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ва 1997 йил 21 майдаги халқаро дарёлар оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқларига оид конвенцияларида тўғридан тўғри ўз ифодасини топган. Мазкур ҳужжатлар «трансчегаравий сувлардан оқилона ва адолатли равишда фойдаланишни, уларнинг трансчегаравий таъсир ўтказаётган ёхуд ўтказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширишдаги трансчегаравий жиҳатини алоҳида эътиборга олган ҳолда» кўриб чиқмоқликни тақозо этади. Зарар етказилган тақдирда уни бартараф этиш ёхуд оқибатларини камайтириш борасида чора-тадбирлар қўлланилиши ва зарур бўлганда етказилган зиённи қоплаш масаласи ҳам илгари сурилиши даркор. БМТ қарорларида «дарё оқимида жойлашган давлат суверен тенглик, ҳудудий яхлитлик, ўзаро манфаат ва инсофлилик асосида ҳамкорлик қилиниши» акс этган. Ташкилот конвенцияларидаги ушбу асосий талабларга мувофиқ, гидротехник иншоотларнинг қурилиши бартараф этиб бўлмас экологик оқибатларга олиб келмаслигига ва трансчегаравий дарё ҳавзаларидаги барча давлатлар томонидан мазкур дарё оқимларидан фойдаланиш мувозанати бузилмаслиги борасида нуфузли халқаро экспертлар томонидан кафолат берилиши шарт», деб ёзади Франция интернет-нашри.

Мақола муаллифлари фикрича, «Трансчегаравий дарё ҳавзаларида барпо этиладиган янги гидротехника объектлари техникавий-иқтисодий асоси бетараф халқаро аудиторлик ташкилотларининг холис текширувидан ўтказилиши лозим. Бундай қатъий нуқтаи назарни Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки ҳам қўллаб-қувватлаб келмоқда».

«Ушбу нуфузли халқаро молия тузилмалари тутган йўл бошқа ташкилот ва давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилади ҳамда пировардида минтақада ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга имкон яратади. Бундай лойиҳаларда иштирок этиш ниятида бўлган сармоядор мамлакатлар ҳам ушбу талабларга риоя этиш зарурлигини ёдда тутмоқликлари лозим. Бу нуқтаи назар, асли трансчегаравий дарёларнинг сув захираларидан бошқа республикаларга нисбатан кўпроқ фойдаланиш учун Ўзбекистон алоҳида ҳуқуқларга эга эканлигини уқтириш эмас. Мазкур мамлакат тутган йўл нафақат халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва бу соҳадаги асосий қоидаларга мос келади, балки ушбу ҳужжатлардан келиб чиқилганлигини ҳам билдиради» дейилади интернет-нашрда.

Мақола якунида қуйидаги фикрлар билдирилади:

— Ҳар бир мамлакат трансчегаравий дарё сув захираларидан фойдаланиш, жумладан, гидротехника иншоотлари барпо этиш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни амалга оширишга ҳақлидир. Бироқ, мазкур ҳолатда улар ошкоралик тамойиллари ва манфаатдор томонларнинг тўла хабардор этилганига асосланган пухта мустақил техникавий-иқтисодий ва экологик экспертизадан ўтказилиши керак.

Шу ўринда икки ўта муҳим шарт кафолатланиши лозим:

биринчиси — оқим қуйи қисмида жойлашган мамлакатлар учун сув оқими миқдорининг камайишига йўл қўйилмаслиги даркор;

иккинчиси — минтақадаги шусиз ҳам мўрт бўлиб турган экологик хавфсизлик бузилмаслиги лозим».

**«Жаҳон» АА.**
Париж.

